

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРИДА ДАВЛАТ БОЖЛАРИНИ УНДИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жасур Нуриддинов
Jasur_Nuriddin@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судларида давлат божларини ундиришининг ва ҳисоблашнинг аҳамияти, назарий-ҳуқуқий асослари ва ўзига хос жиҳатлари, методологияси, таклиф-тавсиялар хусусида фикр юритилади.

***Калит сўзлар:** давлат божлари, методология, англосаксон, романо-герман.*

ABSTRACT

In the research work, the importance of collection and calculation of state duties in the economic courts of the Republic of Uzbekistan, theoretical and legal bases and specific aspects, methodology, suggestions are considered.

***Key words:** state duties, methodology, Anglo-Saxon, Romano-Germanic.*

I. Кириш қисм

Суд харажатлари суд муҳокамасида иштирок этиш билан боғлиқ ҳолатда юзага келадиган молиявий харажатлардир. Суд харажатларини шартли равишда иккига бўлишимиз мумкин: биринчиси, бевосита судга тўланадиган харажатлар ва иккинчиси ишда иштирок этувчи ва ишни мазмунан кўриб чиқилишига ҳисса қўшувчи шахсларга тўланадиган харажатлар. Бевосита судга тўланадиган харажатлар сифатида давлат божи, почта, ишни видеоконференцалоқа режимида кўриб чиқиш билан боғлиқ, далилларни жойига чиқиб ўрганиш билан боғлиқ харажатларни ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Иккинчи турдаги харажатларга гувоҳларга, экспертга, мутахассисга ва таржимонга тўланадиган ҳақлар ва адвокат хизматидан ёки юридик хизмат кўрсатувчи марказлардан шартнома асосида фойдаланганлик учун харажатларни ҳамда бошқа тўловларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

II. Методология

Тадқиқотнинг методологик асосини умумий мантикий усуллар (таҳлил ва синтез, диалектик, умумлаштириш, аналогия, мавҳумдан конкретга ва конкретдан мавҳумга ўтиш), эмпирик тадқиқот усуллари (такқослаш,

гуруҳларга тақсимлаш) ва алоҳида илмий усуллар (формал-юримдик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий) ҳамда илмий билишнинг бошқа усулларида фойдаланилди.

III. Натижалар

Иқтисодий судларда давлат божларини ундиришнинг методологияси таҳлил қилинади. Натижада ушбу объект билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи, қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам берадиган таклифлар ишлаб чиқилади.

IV. Муҳокама қисми

К.Шмотиннинг таъкидлашича, хорижий давлатларда суд харажатлари институтининг ривожланиши роман-герман ва англосаксон ҳуқуқ тизимлари доирасида икки хил йўналишда кетди. Англосаксон ҳуқуқ тизимида дизпозитивлик, давлатнинг минимал аралашуви хос бўлиб, натижада, англосаксон ҳуқуқ тизимида протсесс иштирокчилари суд харажатлари юқини мустақил ўз зиммаларига оладилар, ёки нариги тарафдан қилинган харажатлари тўлиқ ундириб олинади (Б.Британия), ёки уни ундириб олишни умуман талаб қилмайди (АҚШ). Романо-герман ҳуқуқ тизимида суд харажатлари тўғрисидаги нормалар кодификацияланган процессуал ҳужжатларда мустаҳкамланган бўлиб, давлат суд харажатларини ундириш ва компенсация қилишда юқори даражада иштирок этади.

К.Шмотинга кўра давлат асосан самарали одил судловни таъминлаш ва одил судловга бўлган ҳуқуқни кенг доирага тақдим қилиш танлови ўртасида балансни сақлашга ҳаракат қилади. Ушбу вазифаларни бажариш давомида давлатлар суд харажатларига бир вақтда бир неча вазифани юқлайди: суд тизимида қилинган харажатларни компенсация қилиш, судга асосиз мурожаат қилишнинг олдини олиш, шахсларда жавобгарлик ҳиссини уйғотиш, одил судловни ҳамма учун очиқлигини таъминлаш. Бу вазифаларнинг баъзилари бир-бири билан қарама-қаршилик ҳосил қилади. Суд тизимида қилинган харажатларни компенсация қилиш учун суд харажатларини ошириш талаб қилинади, одил судловнинг ҳамма учун очиқлигини таъминлаш учун эса суд харажатлари миқдорини камайтириш, ёки уни умуман бекор қилиш талаб қилинади. Шуниси аниқки, бир вақтда суд харажатларини қимматлаштириб ёки қийинлаштириб судга мурожаат қилишни осон қилиб бўлмайди, шунингдек, уни арзон қилиб ҳам бўлмайди.

Шунинг учун давлатлар, бир вақтда “икки стулда ўтириш” имконини берувчи балансни топишга ҳаракат қиладилар. Ушбу баланс бир вақтда ҳам одил судловнинг очиқлигини ҳамма учун таъминлаб, ҳам суд харажатлари институтини максимал ўз функцияларини бажаришига имкон бериши лозим.

Кўплаб давлатлар “икки стулда ўтириш” фикридан воз кечган бўлиб, қайсидир функциялардан бирини яхшироқ бажаришга эътибор қарата бошлаганлар. Масалан, Франция суд харажатларини компенсация қилишдан кўра одил судловни ҳамма учун очиқлигини таъминлашни афзал деб ҳисоблаб, фуқаролик низолари бўйича кўплаб суд харажатларини бекор қилган. Англия эса суд харажатларининг жуда қимматлиги билан танилган бўлиб, суд муҳокамасида ютказган тараф ютган тарафга тўлиқ миқдорда суд харажатларини қоплаб беради.

К.Шмотинга кўра давлат божларини ҳисоблашда турли давлатлар томонидан турли усуллар қўлланилиб келинади. Масалан, Белгия, Швеция давлатларида суд харажатларининг миқдори катъий белгиланган миқдорда ўрнатилган. Бошқа кўплаб давлатларда (Германия, Португалия, Ирландия ва б.) даъвонинг баҳосига пропорционал тарзда ҳисобланади. Мазкур метод доминант ҳисобланиб, фуқаролик низоларида даъволар мулкӣ тусда бўлгани бунинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Санаб ўтилган давлатларнинг кўп қисмида давлат божлари даъво суммасига нисбатан катта фоизни ташкил қилмайди. Баъзи давлатларда эса давлат божлари даъво суммасига деярли тенг (Эстония, Литва, Чехия). Баъзи давлатларда эса давлат божлари даъво талаблари суммасидан ҳам юқори миқдорни ташкил қилиши мумкин (Австралия, Дания, Венгрия ва Сингапур).

Давлат божларини шакллантиришда у ёки му методнинг қўлланилиши давлат судларга қилинган харажатларни қандай даражада компенсация қилишни мақсад қилганлигига боғлиқ. Давлат божи тўловлари миқдори юқори бўлган давлатларда одил судловни амалга ошириш учун қилинган харажатларни низолашувчи томонлар максимал даражада давлатга қоплаб бериши лозимлиги тўғрисидаги принцип амал қилади. Шунингдек, Англия ва Сингапурдан ташқари бугунги кунда суд харажатлари ҳисобига давлатнинг суд тизимига қилинган харажатларини тўлиқ қопловчи бошқа давлатлар мавжуд эмас.

Муаллиф ўтказган тадқиқотларига кўра Россия Федерациясида ундирилган давлат божлари орқали давлат томонидан қилинган харажатларнинг атиги 17 фоизи ёки 6/1 қисми компенсация қилинган. Муаллифнинг фикрига кўра, қилинган харажатлар ва компенсация миқдорини баланс беришига ҳаракат қилиш судга мурожаат қилиш орқали ҳуқуқларни ҳимоя қилиш имкониятини бутунлай чеклаб қўяди.

Давлат божларини судга мурожаат қилиш учун тўлов деб ҳисоблаб бўлмайди. Сабаби одил судловни амалга ошириш фаолияти давлат маблағлари

ҳисобидан амалга оширилади, демак, бу фаолият алоҳида шахслар қилган тўловлар билан эмас балки бутун солиқ тўловчиларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Шу сабабли суд харажатлари давлат бюджетини тўлдириш воситаси бўлиб ҳисобланмайди, ва ўз навбатида судлар фаолиятини таъминлашни тўлиқ қоплай ҳам олмайди ва қопламаслиги ҳам керак.

Бир қатор Европа давлатларининг қонуншунослари шундай хулосага келишди ва Франция, Люксембург давлатларидан ўрнак олиб Португалия, Италия ва Германияда суд харажатлари институти ислоҳ қилинди ҳамда суд харажатларини бекор қилиш орқали ҳамма учун одил судловнинг очиклигини таъминлаш йўлидан бориш мақсад қилиб олинди.

Англияда суд харажатлари орқали тахминан 80 фоиз қилинган харажатлар қопланади. Лекин Англия сўнги вақтларда аҳолининг кенг доираси учун судга мурожаат қилиш имкониятининг чекланганлиги билан танқидларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, санаб ўтилган давлатларда давлат божлари ставкаларининг юқорилиги нафақат давлатнинг молиявий манфаатлари билан боғлиқ, балки, давлатнинг низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини қидиришга тарафларни мажбур қилишга интилиши ҳамдир. Англия, Дания, Нидерландия, АҚШда ҳакамлик, арбитраж, медиация ва бошқа низоларни ҳал қилишнинг муқобил институтлари юқори даражада ривожланган бўлиб, бу низоларни давлат судларига қараганда анча кам харажатлар билан ҳал қилиш имконини беради. Санаб ўтилган давлатларда судга мурожаат қилиш энг охирги чора ҳисобланиб, низони бошқача йўл билан ҳал қилишнинг имконияти қолмаганда қўлланилади.

Англияда даъвогар ва жавобгарда низони судгача ҳал қилишга жуда кучли стимул мавжуд. Сабаби Англияда “стоп блеединг легал феес” атамаси мавжуд бўлиб, унга кўра тарафлар низоларни муқобил йўл орқали ҳал қилишиб, катта миқдордаги давлат божларидан қутулиб қоладилар. Тахминан 90 фоиз низолар судгача ўзаро ҳал қилинади. Англияда даъвогар энг камида 7.500 доллар миқдоридаги суд харажатларини тўлашга тайёр бўлиши лозим. Фақатгина жавобгарга чақирув хати ва шикоят топширилгандан кейин дарҳол жавобгар низони ҳал қилган тақдирдагина суд харажатлари шунча миқдорни ташкил қилади. Иш қандай ривожланишига қараб суд харажатлари даъво суммаси 200.000 доллардан ошса ундан ҳам юқори бўлиши мумкин.

К.Шмотиннинг фикрига кўра, давлат божларини тўлашда унинг қайси пайт тўланиши ҳам катта аҳамият касб этади. Сабаби тегишли миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмай туриб суд ишни иш юритишга қабул қилмайди. Давлат божларини тўлашнинг ушбу методологияси

ставкалар унча юқори бўлмаган ҳолатларда ҳам бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Сабаби судга мурожаат қилишдан олдин бир миқдор пул суммаларини тўплаш лозим бўлади. Давлат божларини қонунчиликка ўзгартириш киритиб ишни кўриш яқунлари бўйича ундириш тартибини ўрнатишга ҳеч қандай принципиал чекловлар мавжуд эмас. Қайтанга давлат божларини суд қарори фойдасига чиқарилмаган тараф зиммасига дарҳол юклаш мумкин. Давлат божларини тўлаш ва қоплаб беришнинг бир вақтда амалга оширилиши суднинг иш фаолиятини енгиллаштириш билан бирга судга мурожаат қилиш орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳам кафолатлайди. Сабаби шахс олдиндан давлат божи тўлашдан озод бўлади. Давлат божи тўловларини ундиришнинг мазкур усули Белгия ва Финландияда қўлланилади.

Шунингдек, давлат божи тўловларини даъво суммасига боғлаш институтидан воз кечиш лозим бўлади. Даъво суммаси ишни кўриб чиқиш вақти ва қийинлигига тўғридан-тўғри боғлиқ эмас. Судлар ҳамма ишларни бир хил даражада ҳар томонлама ва обектив кўриб чиқади. Демак, давлат божини бир хил даражадаги қийинликдаги лекин даъво суммаси каттароқ бўлган ишлар бўйича катта миқдорда тўлаш суд томонидан ишни алоҳида эътибор ёки ҳафсала билан кўрилишига асос бўлмайди. Натижада шахс суд ҳимояси учун мурожаат қилишда нотенг имкониятларга эга бўлади. Шу сабабли давлат божи ставкаларини ишнинг туркумига қараб белгилаш лозим бўлади.

Давлат божларини ундириш методологияси назарий жиҳатдан тўлиқ ўрганилиб, ўқув адабиётлари ва дарсликларга киритилмаган. Шу сабабли суд харажатларини ундириш методологиясини ишлаб чиқиш ва тизимлаштириш зарурияти мавжуд. Жумладан, суд харажатларини ундириш методологиясини куйидаги кўринишда тизимлаштириш бўйича муаллифлик таклифлари билдирилади. Суд харажатлари институтини белгилашда жаҳон давлатларини тўртта умумий методологияга ажратиш мумкин. Биринчиси, суд харажатларини ундиришнинг мақсади сифатида:

1) суд харажатларининг қимматлиги аҳолининг кенг доирасини одил судлов орқали ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан чеклаб қўйса-да, шу орқали низоларни муқобил усуллар орқали ҳал қилишга ундаш мақсадида (бу модел англосаксон ҳуқуқ тизими амал қилувчи давлатларда, жумладан, АҚШ, Англия, Япония, Дания, Нидерландия ва Сингапурда жорий қилинган);

2) давлат томонидан судлов фаолиятини амалга ошириш учун қилинган харажатларнинг ўрнини максимал даражада қоплаш учун (бу методдан Англия ва Сингапур фойдаланади);

3) аҳолининг кенг доирасини одил судловга бўлган ҳуқуқини таъминлаш ва суд харажатларининг функцияларини максимал даражада бажариши ўртасида “олтин оралик”ни топишга ҳаракат қилиш, суд харажатларидан давлат томонидан судлов фаолиятини амалга ошириш учун қилинган харажатларнинг ўрнини бир қисмини қоплаш, судга асоссиз мурожаат қилинишининг олдини олиш, тарафларни мулкӣ жазолаш орқали жавобгарлик ҳиссини кучайтириш (бундай методологиядан романо-герман ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатлар, собиқ СССР таркибига кирувчи давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам фойдаланади);

4) аҳолининг кенг доирасини одил судловга бўлган ҳуқуқини таъминлаш ва суд харажатларининг функцияларини максимал даражада бажариши ўртасида “олтин оралик”ни қидириш ўрнига суд харажатларини бекор қилиш орқали аҳолининг кенг қатламларига одил судловга бўлган ҳуқуқни таъминлаш мақсад қилинган (Франция ушбу методдан фойдаланади).

Суд харажатларини ундиришнинг методологиясини назарий жиҳатдан қуйидаги кўринишда давом эттириш ва тизимлаштириш мумкин.

Иккинчиси, суд харажатларини тўлаш вақтига қараб: 1) судга даъво ариза киритишдан олдин (бу методологиядан фойдаланувчи давлатларга иккала ҳуқуқ тизимига мансуб давлатларни, жумладан, Ўзбекистон Республикасини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин);

2) иш мазмунан кўриб чиқилиб, якуний суд қарори қабул қилинган ва суд харажатлари тақсимланадиган вақтда. Бундай методология амал қиладиган давлатлар судларида суд харажатлари олдиндан тўланмайди ҳамда суд аризани давлат божи тўловисиз иш юритишга қабул қилади (бу методологиядан фойдаланувчи давлатларга Белгия ва Финландияни мисол қилиб келтириш мумкин).

Учинчиси, мулкӣ тусдаги даъволар бўйича суд харажатлари суммасини ҳисоблашда: 1) даъво суммасига пропорционал тарзда. Фуқаролик низолари бўйича давлат божларини ҳисоблашда бутун дунёда доминант метод ҳисобланади. Бу методологиядан фойдаланувчи давлатларга иккала ҳуқуқ тизимига мансуб давлатларни, жумладан, Ўзбекистон Республикасини ҳам мисол қилиб келтириш мумкин).

2) даъво суммасини ҳисобга олмаган ҳолда ишнинг туркумига қараб қатъий миқдорда белгилаш (бу методдан Белгия ва Финландия фойдаланади).

Юқоридаги методлардан миллий қонунчилигимизнинг суд харажатларини тартибга солувчи институтларини такомиллаштиришда фойдаланишимиз мумкин. Суд харажатлари институтини белгилашнинг

англосаксон методи бизнинг ҳуқуқ тизимимизга мос келмаслиги мумкин. Сабаби, бизда низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари ушбу давлатлардаги каби етарли даражада ривожланмаган. Ушбу давлатларда ҳакамлик, арбитраж, медиатив келишувлар биздаги каби давлат судлари томонидан мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси берилишига зарурат йўқ бўлиб, ижрога қаратилиши мумкин.

Қонунчилигимизда ҳали низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари яқунларига кўра қабул қилинган ҳужжатлар мажбурийлиги билан боғлиқ ўзгаришлар рўй бермаганлиги, ҳакамлик судининг қарорлари ҳали ҳам давлат судлари томонидан мажбурий ижрога қаратилиши, медиатив келишув ихтиёрий ижро этилмаган тақдирда умумий тартибда қайта судга мурожаат қилиниши лозимлиги сабабли суд харажатларини белгилашнинг биринчи (англосаксон) методи бизга тўғри келмайди деб ҳисоблайман.

Демак, ҳуқуқий давлатнинг энг асосий элементларидан бири бўлмиш сифатли ва ҳамма учун очик бўлган одил судлов тизимининг мавжудлиги ҳам суд харажатлари билан бевосита узвий боғлиқ.

Янги Ўзбекистоннинг асосий мақсадларидан бири бу ҳуқуқий давлатни қуриш эканлиги, 2023 йил 30 апрелдаги референдумда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 140-моддасида судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан амалга оширилиши ҳамда у одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши кераклиги тўғрисидаги норма киритилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан тасдиқланган 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 15-бандига зид эканлигини ҳисобга олиб, кенг доирадаги шахсларни одил судловга бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилиши билан танилган суд харажатларини ундиришнинг Англия методи давлатимиз ўз олдида қўйган мақсадларига зид деб ҳисоблайман.

Суд харажатлари институтини белгилашнинг Франция методи ҳам бизга тўғри келмайди деб ҳисоблайман. Сабаби, давлат божи тўловларидан озод қилиш суд харажатларининг асосий вазифалари превентив ва жазолаш функцияларининг ишламаслигига, томонларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан бўйин товлашида суд бир восита бўлиб қолишига хизмат қилади.

Суд харажатлари институтини белгилашнинг ҳозирги республикаимиз амал қилаётган учинчи (романо-герман) методида қолишимиз асосли ва мақсадга мувофиқ ҳамда республикаимиз ўз олдида қўйган мақсадларга мос

келади деб ҳисоблайман. Бироқ, кенг доирадаги шахсларга одил судлов орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини тақдим қилиш мақсадида мазкур метод доирасида баъзи ислохотларни зарур деб ҳисоблайман.

Масалан, кенг доирадаги шахсларга одил судлов орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини тақдим қилиш ва суд харажатларининг функцияларидан максимал даражада фойдаланиш ўртасида “олтин оралиқ”ни қидириш, “икки стулда ўтириш”дан воз кечишни таклиф қиламан. Бунга суд харажатларини тўлаш вақтини белгилашда амалдаги судга даъво тақдим қилишдан олдин суд харажатларини тўлашни талаб қилувчи биринчи методдан воз кечиб, иш мазмунан кўриб чиқилиб якуний суд қарори қабул қилинган вақтда суд харажатлари тақсимланадиган иккинчи методга ўтиш орқали амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайман.

Юқоридаги методга альтернатив тарзда суд харажатлари миқдорини белгилашда амалдаги биринчи даъво суммасига пропорционал тарзда ҳисоблаш методидан воз кечиб, иккинчи даъво суммасини ҳисобга олмаган ҳолда ишнинг туркумига қараб қатъий миқдорда белгилаш методига ўтиш тавсия қилинади.

Шу орқали, кенг доирадаги шахсларга низонинг қийинлигига қараб олдиндан давлат божи тўлашда қулайликлар яратилади. Бунда айниқса низо содда бўлса-да, лекин, даъвонинг суммаси катталиги сабабли давлат божини тўлашда молиявий қийинчиликларга учраётган шахсларга енгилликлар яратилади.

Шу сабабли, иқтисодий ишларнинг мураккаблигига кўра иш туркумлари шкаласини ишлаб чиқишни ва шу шкала асосида олдиндан тўланадиган давлат божи миқдорларини белгилашни таклиф қиламан. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 13 ва 15 мақсадларида судларда давлат божининг регрессиве тартибини ўрнатиш белгиланган бўлиб, ушбу методни Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 13 ва 15 мақсадларига мос деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан судлар фаолиятини таъминлаш учун қилинган харажатларнинг қанча қисми компенсация қилинишини аниқлаш мақсадида Олий судга хат юборилган бўлиб, хатга жавобан республика бўйлаб 2023 йил давомида иқтисодий судлар томонидан республика бюджетига 709.821.510.978 сўм миқдорида, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 908.068.473.856 сўм миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “2023-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг 2023-йил учун

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларига ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 32-бандида Ўзбекистон Республикаси Олий Судига жами 1 273 817,7 млн. сўм, жумладан, жорий харажатлар учун 1 190 290,0 млн. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 83 527,7 млн. сўм ажратилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг 2023 йил учун эълон қилган ҳисоботиغا кўра, судлар фаолиятини молиялаштириш учун 2023 йилда 1 трлн. 381 млрд. сўм (бюджетдан - 1 трлн. 289 млрд. сўм, жамғармадан – 91 млрд. сўм) ажратилган бўлиб, бу миқдор 2022 йилга нисбатан 243 млрд. сўмга кўп демакдир (1 трлн. 138 млрд. сўм, бюджетдан – 1 трлн. 92 млрд. сўм, жамғармадан – 46 млрд. сўм).

Маълумотлар асосида таҳлилни амалга оширсак, биргина иқтисодий судлар томонидан бутун суд тизимига қилинган харажатларнинг 51 фоизи компенсация қилиниши маълум бўлади. Фуқаролик ишлари бўйича судларни ҳам қўшганда суд тизимига қилинган харажатларнинг 127 фоизи компенсация қилинади. Ушбу таҳлилий рақамлар ҳам иқтисодий судларда давлат божи ставкаларини камайтириш лозимлигини билдиради.

V. Хулоса

Юқорида келтирилган камчиликларни қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш орқали бартараф қилиш мумкин бўлиб, бу орқали тадбиркорлик субъектларининг суд орқали ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш осонлашади. Ортиқча сарсонгарчиликларнинг олди олиниб, тадбиркорлик субъектларига қўшимча рағбатлар пайдо бўлади ҳамда одил суд тизимига бўлган ишончлари янада ошади.

VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. “Пути развития института судебных расходов: сравнительно-правовой анализ”, Шмотин Кирилл Сергеевич - <https://cyberleninka.ru/article/n/puti-razvitiya-instituta-sudebnyh-rashodov-sravnitelno-pravovoy-analiz>;
2. О‘zbekiston Respublikasining “2023-yil uchun O‘zbekiston Respublikasining Davlat budjeti to‘g‘risida”gi Qonuni. O‘zbekiston Respublikasi Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi - <https://lex.uz/uz/docs/-6333240>.